

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2019 йил 10 июнь куни жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Қизирик туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Б.Мамадаминов

Х.Абдусаломованинг котиблигида, давлат айбловчиси - Қизирик туман прокурори катта ёрдамчиси-иш ўрганувчи А.Хайруллаев, [REDACTED] ва унинг химоячиси, адвокат М.Самановнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан айбланган Каримов Абдигани Назировичга оид 1-1907-1901/30-сонли жиноят иши кўрилди.

[REDACTED]-1964 йил 27 сентябрь куни Денов туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ишламайди, оилали, 5 нафар фарзандлари бор, муқаддам: 1) Сурхондарё вилояти Денов туман судининг 1996 йил 2 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан 1 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган; 2) жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Денов туман судининг 2013 йил 19 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, Денов тумани, “[REDACTED]” маҳалласида яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 17 майда олган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, иш материалларида мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи [REDACTED] қасддан баданга оғир шикаст етказишда ифодаланган жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этган.

Жумладан, у 2019 йил 10 март куни соат 05:00 ларда Қумқўрғон тумани, “Боймоқли” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Боймоқли Файзобод” МЧЖга қарашли дехқон бозорига дарахт кўчатларини сотиш мақсадида келиб, бозор ҳудудидаги дарахт кўчатлари сотиладиган жойда ўзига олдиндан нотаниш бўлган [REDACTED] билан ўзаро савдо жойи масаласида тортишиб қолиб, у билан жанжаллашиб қолишиб, жанжал вақтида [REDACTED] қўлида бўлган боғ қайчи билан [REDACTED] қорин соҳасига бир маротаба ҳамда юзининг ияк соҳасига уриб, унга оғир тан жароҳати етказган.

Судда сўралган судланувчи [REDACTED] эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, қуйидагиларни яъни, турли хилдаги дарахт кўчатларини етиштириб, кўчатларни сотиш ишлари билан шуғулланиб келишини, дарахт кўчатларини Денов, Олтинсой ва Қумқўрғон туманларида жойлашган бозорларда сотиб келишини, 2019 йил 10 март куни соат 03:00 ларда Қумқўрғон туманидаги Боймоқли бозорига ўғли [REDACTED] тегишли “Ваз 2102” русумли автомашинасида ўзи, куёви [REDACTED] Ислом билан борганлиги, Қумқўрғон тумани “Боймоқли” бозорига соат тахминан 03:00 да борганлиги, автомашинадан кўчатларни туширганида, олдиларига бир “Нексия” русумли автомашинаси келиб, у ердан 2-3 нафар йигит тушиб, ўзларининг кўчатларини туширганлиги, жой эгаллаш мақсадида ўзи уларнинг ёнига бориб, уларга ҳамма ўзининг жойига ўтириши кераклиги, бу жой унга тегишли эканини айтганида, шунда йигитларнинг бири “Нима биз бу ердан чиқиб кетишимиз керакми” деганлиги, у эса “Йўқ ҳеч ким чиқиб кетиши керак эмас, бу бизнинг жойимиз эди” деганлиги, нотаниш йигит эса унга “Сизга проблема керакми” деб ёқасидан ушлаганлиги, шунда ўғли [REDACTED] уларни ажратиш мақсадида келиб, шу нотаниш йигитга

“Нимага отанг қатори одамга ёпишасан” деганлиги, сўнг улар жами 5 киши бўлиб, уларга ёпишганлиги, ўғлига 3-4 киши ёпишиб кетганлиги, шу вақтда ўзи ҳеч қандай жанжалга қўшилмаганлиги, автомашинадан хайдовчи тушиб, кейинчалик билишича [REDACTED] келиб жанжалга аралашмоқчи бўлганлиги, шунда ўзини химоя қилиш учун кўлида бўлган боғ қайчи билан жаҳл устида [REDACTED] қорнига бир мартаба уриб юборганлиги, кейин эса боғ қайчи билан унинг иягига уриб юборганлиги, шу ерда бўлган одамлар уларни ажратиб қолганлиги, [REDACTED] қорнидан қон оққанлиги учун шу ерда бўлган одамлар тез ёрдам автомашинасини чақирганлиги, тез ёрдам автомашинаси келгунга қадар [REDACTED] қорнига аптекадан нимадир қўйиб, автомашинада ўтирган вақтда унинг олдига бориб, [REDACTED] кечирим сўраганлиги, жанжал вақтида [REDACTED] ёки бошқа кишига “Ўлдираман” деб айтмаганлиги, фақатгина жаҳл устида О.Мавлоновга “Ёриб ташлайман” деганлиги, жабрланувчидан кечирим сўраганлиги ва тез кунда унга етказилган зарарни қоплаш чораларини кўришини инobatга олиб, енгиллик сўраб кўрсатув берди.

Гарчанд, судланувчи [REDACTED] ўз айбига тўлиқ иқроор бўлса-да, унинг юқорида қайд этилган жинойтни содир этганликдаги айби қуйидаги мақбул ва ишончли деб топилган далиллар мажмуи билан, яъни:

Судда сўралган жабрланувчи [REDACTED] уйида дарахт ва гул кўчатлари экиб, уларни сотиш ишлари билан шуғулланиб келишини, 2019 йил 10 март куни ўзининг “Ваз 21011” русумли автомашинасида Қумқўрғон тумани Боймоқли бозорига кўчат сотиш учун келганлиги, ўзи билан бирга маҳалладошлари [REDACTED] ҳам бўлганлиги, бозорга келганида автомашинанинг ичида озрок дам олганлиги, соат тахминан 05:00 ларга яқин номоз ўқиш учун таҳорат қилганлиги, шериклари эса ухлаб ётганлиги, шунда автомашинанинг деразасини икки киши тақиллатиб, унга “Бу бизнинг жойимиз, биз ўтган ҳафта келмаган эдик, сизлар ўтириб олиб сизлар” деганлиги, Жамол автомашинадан чиқиб, уларга “Бу бизнинг жойимиз ҳар доим биз шу ерда туриб савдо қиламиз” деганлиги, кейин барча шериклари автомашинадан тушиб, ўзаро тортишиб турганлиги, тортишув жанжалга айланиб кетмаслиги учун ўзи ҳам автомашинадан тушиб, уларнинг ёнига борганида, ёши катта одам, кейинчалик билишича [REDACTED] Жамол билан тортишиб қолганлиги, шунда [REDACTED] ўғли [REDACTED] шерикларига “Сен ҳали отамга қўл кўтардингми” деб эгнидаги кийимларини ечиб, улар билан уришмоқчи бўлиб, ким биландир уришиб кетганлиги, [REDACTED] ажратмоқчи бўлиб, унга “Нарги ерда тур” деб итарганида унинг отаси [REDACTED] уни қорин қисмига бир жисм билан урганлиги, ўзини олиб қочаётганида [REDACTED] кўлидаги ялтираган нарса билан иягига тегиб кетганлиги, [REDACTED] уни ураётган вақтда “Ўлдираман” деб айтганлиги, шунда [REDACTED] “Сен нима қилдинг, мени пичоқлагинг” деганида, у “Пичоқлаганим йўқ, отвёртка эди” деганлиги, шунда мазаси қочганлиги учун жанжал ҳам тугаганлиги, сўнг шу ердагиларга тез ёрдам автомашинаси чақирганлиги, 20 дақиқаларда тез ёрдам автомашинаси келиб, уни шифохонага олиб кетганлиги, бир ҳафта шифохонада даволанганлиги, даволанганлиги учун 3.500.000 сўм ҳаражат қилганлиги, [REDACTED] етказилган зарарни қопламаганлиги, [REDACTED] нисбатан қонунда белгиланган жазо тайинлаш лозимлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ [REDACTED] оила аъзолари билан ҳар-хил турдаги дарахт кўчатларини сотиши билан шуғулланиб келишини, 2019 йил 10 март куни соат 01:00 ларда амакилари [REDACTED], О.Ортиқов ҳамда [REDACTED] билан биргаликда [REDACTED] авлоновнинг бошқарувидаги “Ваз-21011” русумли автомашинасида дарахт кўчатларини ортиб Қумқўрғон туманида жойлашган бозорга борганлиги, соат 02:00 ларда бозорга бориб, [REDACTED] автомашинасида ухлаганлиги, соат тахминан 04:30 ларда нотаниш бўлган ёши катта, кейинчалик билишича [REDACTED] келиб, автомашина ойнасини тақиллатиб, уларга “Бу жой бизники, бўшатишлар” деганлиги, ушбу кишининг ёнида ўғли [REDACTED] ҳам бўлганлиги, улар [REDACTED] “Ака тонг отсин, кейин жой масаласида гаплашиб оламиз” деганлиги, шу вақтда [REDACTED] уларга “Сенларга муаммо керакми, сенлар жойни бўшатишлар дегандан кейин бўшатишлар” деганлиги, ўзлари автомашинадан тушганида, [REDACTED] унга “Сен зўрмисан” деб, унга ёпишиб кетиб, қўли билан юзига бир мушт урганлиги, шу ерда уларни О.Мавлонов ажратиб юборганлиги, шу вақтда [REDACTED] эса [REDACTED] ёпишиб кетганлиги, кейин билишича [REDACTED] қорин ва ияк соҳасига ўткир кесувчи жисм билан

тан жароҳати етказганини билиб қолганлиги, шу билан жанжал тугаб қолганлиги, [REDACTED] биринчи тиббий ёрдам кўрсатилганлиги, амакилари [REDACTED] ва [REDACTED] ушбу жанжалга аралашмаганлиги, [REDACTED] ташланаётган вақтда уни “Ўлдираман” деган гапларини эшитганлиги, бевосита [REDACTED] тан жароҳатларини етказганини ўз кўзи билан кўрмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ О.Ортиқовнинг 2019 йил 10 март куни соат 02:00 ларда амакилари [REDACTED], [REDACTED] ва акаси [REDACTED] билан [REDACTED] бошқарувидаги “Ваз-21011” русумли автомашинасида дарахт кўчатларини ортган ҳолда Қумқўрғон туманида жойлашган бозорга келганлиги, О.Мавлоновнинг автомашинасида ухлаб ётганлиги, соат тахминан 04:30 ларда олдиндан нотаниш бўлган, кейинчалик билишича [REDACTED] автомашина ойнасини тақиллатиб, уларга “Бу жой бизники, бўшатишлар” деганлиги, ушбу кишининг ёнида ўғли [REDACTED] ҳам бўлганлиги, улар [REDACTED] “Ака тонг отсин кейин жой масаласида гаплашиб оламиз” деганларида, [REDACTED] уларга “Сенларга муаммо керакми, сенлар жойни бўшатишлар дегандан кейин бўшатишлар” деганлиги, улар автомашинадан тушаётганида [REDACTED] [REDACTED] “Сен зўрмисан” деб ёпишиб, қўли билан [REDACTED] юзига бир мушт урганлиги, сўнг уларни шу ерда турганлар ажратганлиги, шу вақтда [REDACTED] қорин ва ияк соҳасига ўтқир кесувчи жисм билан тан жароҳати етказганини билиб қолганлиги, шу билан жанжал тугаб қолганлиги, [REDACTED] биринчи тиббий ёрдам кўрсатилганлиги, ўзи ва амакилари ҳеч кимга тан жароҳат етказмаганлиги, О.Мавлоновга ташланаётган вақтда уни “Ўлдираман” деган гапларини эшитганлиги, бевосита [REDACTED] О.Мавлоновга тан жароҳатларини етказганини ўз кўзи билан кўрмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ [REDACTED] 2019 йил 10 март куни соат 02:00 ларда амакилари Р.Ортиқов, [REDACTED] билан биргаликда [REDACTED] бошқарувидаги “Ваз-21011” русумли автомашинасида дарахт кўчатларини ортиб, Қумқўрғон туманида жойлашган кўчат бозорига келганлиги, бозорга келганларида улар автомашина ичида ухлаб ётганлиги, соат 04:30 ларда нотаниш киши, кейинчалик билишича [REDACTED] автомашина ойнасини тақиллатиб, уларга “Бу жой бизники, бўшатишлар” деганлиги, ушбу кишининг ёнида ўғли [REDACTED] ҳам бўлганлиги, улар [REDACTED] “Ака тонг отсин кейин жой масаласида гаплашиб оламиз” деганларида, [REDACTED] уларга “Сенларга муаммо керакми, сенлар жойни бўшатишлар дегандан кейин бўшатишлар” деганлиги, улар автомашинадан тушаётганида [REDACTED] [REDACTED] “Сен зўрмисан” деб ёпишиб, қўли билан Р [REDACTED] юзига бир мушт урганлиги, сўнг уларни шу ерда турганлар ажратганлиги, шу вақтда [REDACTED] қорин ва ияк соҳасига ўтқир кесувчи жисм билан тан жароҳати етказганини билиб қолганлиги, [REDACTED] биринчи тиббий ёрдам кўрсатилганлиги, ўзи ва амакилари ҳеч кимга тан жароҳат етказмаганлиги, [REDACTED] ташланаётган вақтда уни “Ўлдираман” деган гапларини эшитганлиги, бевосита [REDACTED] тан жароҳатларини етказганини ўз кўзи билан кўрмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ [REDACTED] судланувчи [REDACTED] отаси эканлиги, 2019 йил 10 март куни соат 04:20 ларда отаси [REDACTED] ва поччаси [REDACTED] билан биргаликда ўзига тегишли бўлган “Ваз-2102” русумли автомашинада дарахт кўчатларини ортиб, Қумқўрғон туманидаги деҳқон бозорига келганлиги, бозорда отаси [REDACTED] олдиндан эгаллаган жойида бир нотаниш автомашинаси борлигини кўриб қолганлиги, кейин отаси [REDACTED] шу автомашинада ўтирган йигитларнинг олдида бориб, уларга ўзларининг жойига ўтишини айтганида автомашинанинг орқа ўриндиғида ўтирган бир йигит отаси [REDACTED] “Сиз бу жойни сотиб олганмисиз” деганлиги, шу йигитнинг гапидан жаҳли чиқиб, ўзи унга “Отанг тенги одамни ҳурматини қилиб, муомала билан гапир” деганлиги, шу вақтда автомашинадан бошқа бир йигит, кейинчалик билишича [REDACTED] тушиб, унга “Сен нима деяпсан” деб қўлини орқага қайириб олганлиги, шунда йигитларнинг бири юзининг ўнг томонига муштлаб урганлиги, зарбадан ерга йиқилиб қолганлиги, шу вақтда нима бўлганини билмай қолганлиги, шу пайтда отаси [REDACTED] жанжалда бўлган [REDACTED] қорнига қўлидаги боғ қайчисини тиқиб олганини билиб қолганлиги, жанжал тугаганидан сўнг тез тиббий ёрдам автомашинаси келганлиги, жанжал вақтида ўзи ва яқин қариндошлари [REDACTED] ёки бошқа кишига

“Ўлдираман” деб айтмаганлиги, фақатгина отаси [REDACTED] [REDACTED] “Ёриб ташлайман” деганлиги, шахсан ўзи ҳеч кимни урмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ [REDACTED] судланувчи А [REDACTED] қайнотаси эканлиги, 2019 йил 10 март куни соат 04:20 ларда қайнотаси [REDACTED] ва қайнукаси [REDACTED] билан биргаликда [REDACTED] бошқарувидаги “Ваз-2102” русумли автомашинасида дарахт кўчатларини ортиб, Қумқўрғон туманидаги деҳқон бозорига келганлиги, бозорга келганида у ўзи автомашинада ухлаганлиги, автомашинада ухлаётганида бир нотаниш киши келиб, кейинчалик билишича О [REDACTED] уни уйғотиб, унга “Ака бу нима қилганларингиз” деганлиги, унга “Нима деяпсиз” деганида, у киши “Э сиз эмассизку” деганлиги, автомашинадан тушиб, [REDACTED] “Нима бўлди ака” деганида, у “Сизлар билан келган ёши катта киши ким, у отангизми, у киши менга пичок уриб олди” деганлиги, шу вақтда О [REDACTED] корин соҳасидан қон оқиб турганини кўрганлиги, сўнг қайнотаси [REDACTED] ҳолатни сўраганида, у ҳақиқатдан ҳам О [REDACTED] билан жанжаллашиб қолиб, унинг қорнига боғ қайчини тиқиб олганини айтганлиги, шахсан жанжални ўз кўзи билан кўрмаганлиги ва аниқ нима бўлганини билмаслиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Шунингдек, жиноят иш материалларидаги хабарнома, ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва унга илова қилинган фотожадваллари, нарсани олиш баённомаси, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва унга илова қилинган фотожадвал, нарсани таниб олиш баённомаси, суд-гиббий экспертизасининг 2019 йил 10 мартдаги 167-сонли хулосасидаги, [REDACTED] корин бўшлиғига санчиб кирган катта чарвини тешиб ўтган ингичка ичак тутқичини кесган жароҳати, ияк соҳаси ўнг томонида юзаки кесилган яраси, гемморагик қон кетишдан кейинги қарахтлик 2-3 даражаси оғирлик даражасига кўра “ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати” эканлиги аниқланганлиги ҳолати, олинган тушунтириш хатлари, гувоҳларнинг сўроқ баённомалари ҳамда тўпланган бошқа ишончга сазовор далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлиги, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиши, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши кераклиги, 23-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги белгиланган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан юқорида қайд этилган қонун талабига тўлиқ амал қилган деган тўхтамга келди.

Суд, жабрланувчи [REDACTED], гувоҳ [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED] суд мажлисидаги “ [REDACTED] О [REDACTED] а ташланаётган вақтда уни “Ўлдираман” деган гапларини эшитганлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, уларнинг ушбу важлари [REDACTED] жавобгарлигини оғирлаштириш ва ундан қасд олиш мақсадида берилган деб ҳисоблаб, мазкур важлар ишончга сазовор эмас деб топиб, улар бирон бир далил билан тасдиқланмаётганлигини ва ушбу важлар дастлабки тергов жараёнида ҳам берилмаганлигини инобатга олиб, ушбу важлар иш ҳужжатлардаги жиноят ишининг бир қисмини тугатиш ҳақидаги қарор, судда сўралган судланувчи [REDACTED], гувоҳлар [REDACTED] ва [REDACTED] кўрсатувлари билан тўлиқ рад этилади.

Суд, дастлабки тергови органи томонидан [REDACTED] жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, судларга тушунтирилсинки, баданга шикаст етказиш деганда, инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик тўқислиги ёки улар

физиологик функциясининг ташқи таъсир оқибатида бузилиши тушунилмоғи лозимлиги, 3-бандида, Жиноят кодекси 104-110-моддалари бўйича жавобгарлик айбдорда мазкур моддалар диспозициясида кўрсатилган шикастни бошқа бир одамга ҳуқуққа хилоф равишда етказишга нисбатан қасд (тўғри ёки эгри) мавжуд бўлгандагина келиб чиқиши, агар айбдор ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли эканлигини англаса, жабрланувчи баданига муайян даражада шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етса ва шуни хоҳласа ёинки хоҳламасада, бунга онгли равишда йўл қўйса ёки ўз қилмишидан келиб чиқадиган оқибатларга бефарқ қараса, барча қилмиш аслида келиб чиққан оқибатлар бўйича квалификация қилиниши кўрсатилган.

Иш ҳолатига қараганида эса, [REDACTED] 2019 йил 10 март куни соат 05:00 ларда Қумқўрғон тумани, “Боймоқли” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Боймоқли Файзобод” МЧЖга қарашли деҳқон бозорида ўзига олдиндан нотаниш бўлган [REDACTED] билан ўзаро савдо жойи масаласида тортишиб қолиб, қўлидаги боғ қайчи билан О [REDACTED] қорин ҳамда юзининг ияк соҳасига бир мартаба уриб, унга оғир тан жароҳати етказган.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги ва жабрланувчидан кечирим сўраганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган мақсадларга - маҳқумни ахлоқан тузатиш, маҳқум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, [REDACTED] содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ва хусусиятини, жиноятни содир этилиши сабаб ва шарт-шароитларини, унинг шахсини, оилавий аҳволини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ва жабрланувчи О [REDACTED] даъвоси борилигини инобатга олиб, қонун санкциясида кўрсатилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд, иш бўйича етказилган зарарни муҳокама қилиб, иш ҳужжатларидаги маълумотномаларни инобатга олиб, судланувчи [REDACTED] жабрланувчи О.Мавлоновга 3.500.000 сўм ундиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунинг билан биргаликда, суд жабрланувчи [REDACTED] келгусида маънавий ва моддий зарарни ундириш масаласи юзасидан фуқаролик иш юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтиришни лозим топади.

Иш бўйича ашъвий далил тариқасида олинган Қумқўрғон туман ИИБ ашъвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган бир дона боғ қайчини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

х у к м к и л а д и:

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан сутканинг соат 22:00 дан 06:00 гача яшаш жойидан чиқиши чекланган ҳолда 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи [REDACTED] зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқлар (чеклашлар):

- оммавий ва бошқа тадбирларда иштирок этмаслик;
- Сурхондарё вилояти ҳудудидан чиқиб кетмаслик;

- назорат қилувчи органнинг рухсатсиз яшаш ва иш жойларини ўзгартирмаслик каби мажбуриятлар юклатилсин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси талаби, яъни ўрнатилган мажбуриятларни (чекловларни) бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Судланувчи [REDACTED] ўзига нисбатан қўйилган тақиқларга (чекловларга) риоя этиши ва унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатиш ҳамда ижросини таъминлаш вазифаси Денов тумани ИИБ зиммасига юклатилсин.

Судланувчи [REDACTED] нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] 3.500.000 сўм ундирилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] келгусида аниқланадиган маънавий ва моддий зарарни ундириш масаласи юзасидан фуқаролик иш юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳукуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган Қумқўрғон туман ИИБ ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган бир дона боғ қайчи ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида мазкур суд орқали жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида, ушбу муддат ўтгач кассация тартибида шикоят қилишга ва протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

(имзо)

Б.Мамадаминов

«Ҳукм нусхаси аслига тўғри»

Жиноят ишлари бўйича

Қизирик туман судининг раиси

Б.Мамадаминов